Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Мухаммадхон ва Тўлєлберген Қайбергенов, "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган марҳум адиб Шухратнинг ўғли "Уртаосиётранс" ҳиссадорлик компанияси қасба уюшмасининг раиси Фикрат Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ақшерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Алиса Подпоренко, Андижон вилояти Жалакудук тумани ҳўкимни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими Манзуархон Эгамова, Аброр Хидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Ёлєр Носиров, Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фақаролар йиғини раиси, "Дўстлик" ордени нишондори Михаил Киктев ва "Ўзбекнаво" эстрада биришласи хонандаси, "Дўстлик" ордени соҳиб Ширлан Шарипов ушбу мукофотлар бундан бўён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори сурват ва шижоат билан давом эттиришга ундаши, ангинанги фақарли марраларини эгаллашга илҳомлантиришни таъкидлади. Юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: тақдирлаш пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган сурат.

«ҲАМДЎСТЛИК» КЛУБИДА КЕЧА

Умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида вилоят «Ҳамдўстлик» клубида анжуман бўлиб ўтди. Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда хорижий мамлакатлар элчиларининг рафиқалари ҳам иштирок этдилар.

Учрашувни Тошкент вилояти ҳўкимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Адиба Аҳмад-

БУНЁДКОРЛИК АЙЁМИ



Мамлакатимизда республикамиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги кенг қўламда нишонланмоқда. Ушбу умумхалқ байрамининг яна бир алоҳида жиҳати айём муносабати билан амалга оширилаётган янги қурилышлар ва бунёдкорлик ҳаракатидир. Ҳусусан, байрам арафасида вилоятимизда кўплаб янги ўқув юрлари, хизмат кўрсатиш объектлари, кичик корхоналар, савдо шохбчалари фойдаланишга топширилмоқда.

Биргина Зангиота туманида 5 декабрь куни «Дамачи» ҳўжалиги ҳудудида янги мактаб ҳамда «Мустақиллик» ширкат ҳўжалигида қишлоқ шифокорлик муассасаси иш бошлади. 320 уринли ўқув муассасасида ўқувчиларга чуқур билим бериш учун барча имкониятлар яратилган. Уч ярим мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган қишлоқ шифокорлик пунктида ўн иккита

тиббий хоналар мавжуд бўлиб, уларда юқори малакали терапевт, педиатр, акушер-гинекологлар ёшлар ва катталар топширилгани муҳофаза қиладилар. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган турт уринли кундузги шифохона, физиотерапия хоналари ҳам юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатадилар. Бу кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари ҳам Конституцияимиз берган имкониятлар натижасидир. Энг муҳими, бу қурилышлар келгусида жамиятимизнинг энг азиз киҳисси — инсонга хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Зангиота туманидаги «Мустақиллик» ширкат ҳўжалигининг «Гўзал» маҳалласида фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик муассасаси очилиш маросимидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БОШ ҚОМУСИМИЗ - ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



Қутлуғ санага бағишланди

Тошкент Ислам университетининг мажлисида демократик жамият қуришда Конституциянинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини танлайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Юртимиз ҳам ўз истиклолини қўлга киритгач, неча минг йиллик қадриятларимиз, миллий ва диний аъёнларимизни қайта тиклаб, жаҳоннинг илғор мамлакатлари таърибидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга киришди. Ўтган давр мобайнида бу борада Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

Семинарда Бош Қомусимизнинг жамиятдаги аҳамиятини чуқур ўрганиш, аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги тарбиёт ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Хусниддинов сўзга чиқди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎА муҳбири.

— Конституция лойиҳаси тайёрланиб, 1992 йил 26 сентябрда биринчи марта, ўша йилнинг 21 ноябрда иккинчи марта газеталарда чоп этилиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди.

Конституция халқимиз ақл-заковатининг маҳсули бўлиб, унда мужассам этилган миллий ва умуминсоний тажриба жамиятимиз равнақига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 22 бобдан иборат бўлиб, 128 та моддани ўз ичига олган. «Асосий принциплар» деб номланган биринчи бўлимда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятичилиги, Конституция ва қонуннинг устуңлиги, ташки сиёсат принциплари билан боғлиқ қоидалар белгиланган.

Иккинчи бўлимда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари кайд этилган.

Учинчи бўлим жамият ва шахс муносабатларига бағишланган. Туртинчи бўлимда маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши қоидалари акс эттирилган.

Бешинчи бўлимда давлат ҳокимиятини ташкил этиш қоидалари мужассамлаштирилган.

Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини белгилайди.

Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Президенти ва Олий Мажлис иш олиб бориши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар халқ иро-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дасига бўйсунди, унга хизмат қилади ва жамият, фуқаролар олдига масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципларига асосланади.

Ўзбекистон халқро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти, унинг ташки сиёсати давлатлар-

нуфузли халқро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш имкониятини берди. Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илғор гоёлар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимиз табиатини ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон БМТ, Европа ҳафсизлик ва

ган мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов мустақилликимизнинг дастлабки йилларида юзага келган криминоген вазиятга тўғри баҳо бериб, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларни жиний тазйиклардан ҳимоя қилиш давлатнинг, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ўта муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Улардан ўз

Конституциясининг муқаддасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш давлат сиёсатининг асоси эканлиги белгиланган.

Шунинг учун, Ўзбекистонда кадамма-қадам суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш ва демократлаштириш сари илоҳотлар олиб борилмоқда. Олий Мажлис «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилди. Етук мутахассис-экспертларнинг эътирофича, жиний жазоларни бу қадар инсонийлаштириш дунёнинг ривожланган демократик давлатларида ҳам учрамаган.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устиворлигида» дастурий маърузасида жиний жазоларни либераллаштириш, энг аввало, халқ адолатли қонунлар асосида яшашини таъминлаш, инсонпарварлик, одаимийлик, оқилоллик давлат сиёсатининг мақсади эканлигини таъкидлади. У фуқаролар манфаатларини қўзда тутиб, содир этилган ножўя ҳаракатларга адолатли, инсонпарвар жазо тайинлаш, лозим топилса, уларни кеңириш кераклигини ўқитди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «эришган ютуқларимизнинг, бугун кеңайган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизидан Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир».

Азизжон ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилоятининг прокурори.

ИНСОН АЗИЗ

нинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик нормаларига асосланади.

Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, улар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдига тенгдирлар.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

Жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ўзларининг демократик йўл билан сайлаб, тайинлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Халқро ҳуқуқнинг устиворлигини тан олишимиз мустақил давлатимизга энг

хамкорлик ташкилотининг тўлақонли аъзосидир.

Ўзбекистон давлатида мустақилликни асраш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш, ҳавфсизлик, барқарорлик, ҳудудларимизнинг яхлитлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, бозор илоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмаларини яратиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, ошқораликни таъминлаш, демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш, жамиятни эркинлаштириш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларнинг ролини кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги илоҳотларни чуқурлаштириш, инсон омилли, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, маънавият, маърифат, шахсини камол топтиришга қаратилган узулқис ҳаракатларнинг замирида шубҳасиз Конституцияда белгиланган меъёрлар турибди.

Мисол келтирамиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 1-бандида «Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг қафилдир» деб кўрсатилган.

Ўзининг конституцион мажбуриятини чуқур англа-

бурчларини тўла-тўқис бажаришни қатъий талаб этиб, бу ишни бевосита ўз назоратига олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, айрим турдаги жиноятларни содир этганларга нисбатан жазоларни бир қадар оғирлаштириш масаласи ҳал этилди. Жумладан, ўзгалар автомашиналарини олиб қочганларга нисбатан айнан шундай йўл тутилди. Уларни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўрила бошланди. Натихада, мамлакатда ўшбу соҳадаги жиноятлар кескин камайди. Масалан, авваллари бир кунда ўнлаб автомашиналар ўғирланган Тошкент шаҳрида кейинчалик бир ойда бирорта ҳам бу каби жиноят руй бермади.

Ўзбекистонда жиноятчилик тубдан камай борди. Ҳозир республикада жиноятчилик 70 мингтага қисқарди. Энг муҳими жиний тазйиклардан жабрланганлар маъмурий органларга бемалол мурожаат қилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси жамиятда қонун устиворлигини таъминлаш орқали барқарорлиқни сақлаб қолишимиз муҳим омилли бўлди. Ўзбекистон Республикаси

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ҳаётимиз асосий қонунининг бутун бир бобида фарзанд тарбияси учун масъуллик, ота-она ва фарзандларнинг бурчлари ҳамда ўзаро ғамхўрлиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши масалалари қамраб олинган. Шу асосда ишлаб чиқиб, қабул қилинган Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида улар яна ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Маҳаллалар аҳлига уларга риоя этилиши муҳим эканлигини алоҳида тушунтириб берилаётди.

— Ёшлар бамисоли ниҳол, — дейди Қатортол қишлоғи Янгибод маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раисиси Мукаррам Тоҳинова. — Қиз бола турмуш қуриш жараёнида бир жойдан иккинчи жойга кўчди. Шунинг учун уни авайлаб, эътибор билан парваришлаб бориш керак. Токи улар ўз мевасини бергунча. Мен шунини қайнона-келинд муносабати деб тушунаман...

Дарҳақиқат, оила аъзолари, қўни-қўшнилар аҳил бўлса, осуда, тинч-тотув ҳаёт кеңирилади. Тотувлик бор жойда хотиржамлик бор, барак бор.

Ҳозир, баъзи ёш оилалар тез сўлапти, боиси — Бир-бирини тушунмасликда. Оилада, хонадонда янги турмушнинг униб-ўсиб кетиши учун бир неча омилларни еддан чиқариш керак эмас. Турмушда қайнона-келин энг биринчи навбатда ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри тушунишлари лозим. Келин янги хонадоннинг ўзинга ҳос жиҳатларини ҳисобга олиб, оилада, қўндалик ҳаётда мувозанат сақлай олиши керак.

Маҳалланин «Қайнонам — онам, келиним — болам» тadbири, ҳақ-ҳуқуқлар тўғрисидаги турли суҳбатлар кўпчиликда катта қизиқиш туғдирмоқда. Маҳаллада кўп болали оилалар иноқ-аҳил, яъни олти, етти ўғилнинг бошини қовуштирган, ҳар бир келинга ширинсўз, меҳрибон қайноналар ҳам бор.

Манзура Азаматова, Хурсаной Фуломова, Роза Умарова, Турсуноя Аскарлова, Марҳамат Махамаджонова, етти келиннинг қайнонаси Маъмура Абдуллаева ва бошқаларнинг ўз оилаларида тотувлик, баҳамжиҳатликни қарор топтириш борасидаги сай-ҳаракатларидан ўрнак олса аризиғулик.

Янгибод маҳалласида ёш оналарни соғлом авлодни тарбиялашга тайёрлаш, фарзандларни боқибди она сутининг ҳосияти, болаларни парвариш-лашда қайнонанин роли хусусидаги тадбирлар ҳам иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Мақтабнинг юқори синф қизлари учун Нодира Жўрабоева ҳамкорлигида ҳафтасига икки соатдан оилага тайёрлаш дарслари ташкил этилапти. Бунда асосан замон талабини ҳисобга олган ҳолда, яъни кўп оналар иш билан бандлиги, вақтида қизларига оила сирлари хусусида тарбия бера олмасликлари эътиборга олинди. Бу машғулотлар ўсмир қизлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинапти. Улар оила мустаҳкамлиги, саранжом-саришталликни, рўзгор юритиш моҳиятларини тўла англаб етмоқдалар.

Янгибод маҳалласининг Асад Аскарлов 1-, 2-тор кўчалари, Янгибоднинг 1-тор кўчаси, Абдулла Набиева кўчалари хонадонлари аҳилиги, инқилиги, ўзаро меҳр-оқибат, ҳар ишда собитқадамлиги билан ажралиб туради. Улар тўю хашамларда, турли маъракаларда хамиша бир-бирига кўмакдош-елқаддош. Уларнинг ўрнак олса аризиғулик ибратли ишлари бисёр. Бу маҳалла нафақат Қатортол қишлоғи, балки Зангиота туманининг кўрки ҳамдир.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.





Акциядорлик-тижорат

РАХТА-ВАНК

Тошкент вилоят бошқармаси
пойтахт вилояти аҳолиси
ва ўз мижозларини
Мустақил Ўзбекистон
Конституцияси
қабул қилинган
қонунинг 11 йиллиги билан
қизгин қутлайди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни
ҳар биримизга ўз имкониятларимизни
рўёбга чиқариш, орзу-умидларимизга
эришиш имконини беради.

«Пахта-Банк» энг дадил лойиҳаларни
амалга оширишда
Сизга ёрдам беришга тайёр.
«Пахта-Банк» — фаровонлигиниз калитидир!

«41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга».

Бош қомусимизнинг ушбу моддаси биз талабаларга катта куч ва имконият бағишламоқда. Сабаби, ўтган ўқув йили мавсумида

БИЛИМ ОЛИШ БАХТИ

мен ҳам талабалик бахтига мурасар бўлдим. Мақтабни аъло баҳоларга тугатишимда мураббий-устозларимнинг хизмати катта бўлди. Шу аснода менда пойтахтга келиб, банк йўналиши бўйича таҳсил олиш иштиёқи туғилди. Ҳужжатларини тўладиму Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежига топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтганлигимни эшитганимда, қалбимда чексиз қувонч пайдо бўлди. Ҳозир 2-курсда ўқияпман. Укам Иброҳим ҳам ўрта мақтабни тамомлағач, коллежларнинг бирида ўқиш-ни давом эттирмоқчи.

Давлатимиз таълим тизимида бир қанча қўлайликлар яратётганлигидан мамнунмиз.

Коллежни аъло баҳоларга битириб, олий ўқув юртига кириш ниятидаман. Шу мақсадим мени зийракликка, ҳар бир дарсини, амалиётни синчковлик билан ўрганишга ундайди, ҳар доим менга ғайрат бағишлайди.

Абдуҳошим ШАРОФҲОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи талабаси.



ФЕРМЕР ҲУҚУҚЛАРИ ҚАРОР ТОПДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотлар, фермер ҳўжаликларини ташкил қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, кишлоқ мулкдорларининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан Бекобод тумани «Хос» ширкат ҳўжалигида яшовчи Бахтиёр Холбоев воқеаси ибратлидир.

У 2000 йил апрель ойида уй-жойини гаровга қўйиб, давлатдан пул қарз олиб, чўчкачилик ҳўжалигини ташкил қилди. 2002 йилга келиб, чўчкалар сонини 74 бошга етказди. Шу орада фермер ҳўжаликларини ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бундан руҳланган тадбиркор ўзи яшаб турган «Хос» ширкат ҳўжалигининг раисига, туман ҳокимияти ҳамда прокуратурасига мурожаат қилиб, ем-хашак етиштириш, чўчкахоналар қуриш учун ер майдони ажратиб берилишини сўради. Лекин, ушбу идоралардан бирор жўяли жавоб ололмади. «Хос» ширкат ҳўжалигига бир йил мобайнида олти мартотаба ёзган аризаси эътиборсиз қолдирилди.

Ниҳоят, унга ўн гектар ер майдони кўрсатилди. Лекин, ҳўжалик раиси Р. Деҳқонбоев 2003 йил охирига келиб бу ерни «Аб-дурахмон ота» фермер ҳўжалигига бериб юборди. Ниҳоят, Бахтиёр Холбоев ўз фуқаролик ҳуқуқини қонун асосида ҳимоялаб, етказилган зарарни қоплаб, агар аризаси асосида ер олишга ҳуқуқи бўлса, ер майдони берилишида ёрдам кўрсатишни сўраб, вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Бахтиёр Холбоев Адлия бошқармасига йўллаган мурожаатида ўзининг 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ҳамда 500 минг сўм маънавий зарар кўрганлигини баён этганди. Шунга мувофиқ Адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлар судига Б. Холбоевнинг манфаатини кўзлаб, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво-ариза берилди.

Даъво-ариза қондирилиб, суд муҳокамасига қадар Б. Холбоевнинг қонуний манфаатлари тўлиқ тикланди. Шунингдек, «Хос» ширкат ҳўжалиги шу йил 12 сентябрда «Деҳқон ҳўжалигини чорвачиликка иختисослашган фермер ҳўжалигига айлантириш ва ер майдони ажратиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Иброҳим ҲАТАМОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси масъул ходими.

дурахмон ота» фермер ҳўжалигига бериб юборди. Ниҳоят, Бахтиёр Холбоев ўз фуқаролик ҳуқуқини қонун асосида ҳимоялаб, етказилган зарарни қоплаб, агар аризаси асосида ер олишга ҳуқуқи бўлса, ер майдони берилишида ёрдам кўрсатишни сўраб, вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Бахтиёр Холбоев Адлия бошқармасига йўллаган мурожаатида ўзининг 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ҳамда 500 минг сўм маънавий зарар кўрганлигини баён этганди. Шунга мувофиқ Адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлар судига Б. Холбоевнинг манфаатини кўзлаб, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво-ариза берилди.

Даъво-ариза қондирилиб, суд муҳокамасига қадар Б. Холбоевнинг қонуний манфаатлари тўлиқ тикланди. Шунингдек, «Хос» ширкат ҳўжалиги шу йил 12 сентябрда «Деҳқон ҳўжалигини чорвачиликка иختисослашган фермер ҳўжалигига айлантириш ва ер майдони ажратиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Иброҳим ҲАТАМОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси масъул ходими.

ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Тошкент Давлат аграр университетининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ўзгартирилган босқичида» деб номланган анжуман ўтказилди.

Уни ҳуқуқшунослик куллийтининг кафедра мудири, доцент Раъно Турдибоева кириш сўзи билан очиб, Конституциянинг ижтимоий ҳаётимизда тугган ўрни, аҳамияти ҳақида гапирди.

Анжуман давомида сўзга чиққан устоз ва талабалар «Конституция — ҳуқуқий давлат белгиси», «Ўзбекистон Республикасида қонунчилик палатаси», «Сайлов демократик тараққиёт босқичида» каби мавзуларда маърузалар ўқишди.

Нигора БОБОҚУЛОВА,
ЎЗМУ талабаси.

Шеърят

ЗАМИНГА НУР ЁҒИЛАДИ

ГУЛЗОР ИЧРА

Гул гулга пайванд бўлди, Мен кўрган гулзор ичра. Ҳар ким ўз насибасин Тергай бу бозор ичра.

Заминга нур ёғилди Осмону фалаклардин, Хуш тонгга етиб келдик Бу оқимон озор ичра.

Кўларда балқисин ҳавас, Ҳасадни от ўтларга. Сўнг танинг нурга ботиб, Қолмагай губор ичра.

Юр, чиқайлик қирларга, Кутар бизни бир широй. Кўнглим ҳам очилмишдир Бу сўлим баҳор ичра.

Гул гулга пайванд бўлди Мен кўрган гулзор ичра.



ЕР

Минг хил ранглар билан бўйлар уни, Ҳатто талашарлар кўксини тилиб. Аммо, унга бирдек дунёнинг кунни, Фақат айланади, ўз ишин қилиб. Бағрини кавлаймиз олтини гаҳлар, Бу юк муъжизалар борлигини билиб. Унинг кафтидадир минг-минглаб шаҳар, Фақат айланса ҳам, ўз ишин қилиб. Бергувчи ўзидир, олгувчи ўзи, Кўёш ҳам қиздира севгисини тўлиб. Мангу очик турар онанинг кўзи, У мангу айланар, ўз ишин қилиб.

СЕВГИ

Ишқ дилда қароғ экан, Бағри нур, шароғ экан. Қулоқ туп шивирга, Кўкламга япроқ экан. Нигоҳи чаққон каби Танимни кўдиради, Сўзлари кескир, оташ, Тутгани яроғ экан. Шодлиги бисёр анинг,

Бу дунёда томпоқ мушкул, Ўқотмоқ осон, Кетиш йўли ёнингдадир, Етмоқлик — осмон.

Азоби ҳам ўзача.

Ҳаттоки кўкда ойнинг Кўксиди бир доғ экан. Енгиб дарду фиқорни Тошни ёрай лалагул, Севги оғир дамларда Сўнгувчи тоғ экан. Бу жаннат сенга бўлсин, Сена бўлсин бу зулман, Кетма, бундан эй, Ашур, Чор атрофи боғ экан.

Ўтиб кетар шодлик, кулгу, Ҳамма нарса унутилар, Ҳамма нарса унутилар, азоб қолади... Ашурли БОЙМУРОДОВ.

АНГРЕНЛИК ШУМАХЕР

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги Ангрэн автомобиль мактаби қарийб 35 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келади. 2001 йилдан бунён ундаги машғулотлар янги таъмирдан чиққан бинода ўтказилмоқда. Таълим масканида Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ва халқ ҳўжалишининг кўнлаб соҳаларига маалакли мутахассислар тайёрлаб берилган.



Бунинг учун мактабда шароитлар етарли. Бу ердаги ўқув-лабораториялари бўлажа мутахассислар ихтиёрида. Чунки, мактабдаги қартинг клуби ўқувчилардан ташқари, шаҳардаги ёшлар билан доимо гағам. Мазкур «Картинг» спорт-техника клубининг 11 ёшли азоеси Максим Ушека яқинда ўтказилган мамлакат биринчилигида ўз ёш гуруҳи бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони бўлди. У айна пайта шаҳардаги 21-мактабда 5-синфда ўқимокда. Газета саҳифаланаётганда Бухоро вилоятининг Гиждуван шаҳридан қувончи хабар олдик. Картинг бўйича ўтказилган Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида вилоятимиз вакили Максим Ушека голиблар сафидан ўрин олган. Бундан англашладикки, автоспорт бўйича ҳам юртимиз спортчиларининг имкониятларини етарли бахолаш пайти етмоқда. Ажабмаски, яқин йилларда юртимиздан ҳам автоспорт бўйича «Формула-1» жаҳон автополайларининг беш қарра голиби, германиялик Михаил Шумахердек автовандозлар етишиб чиқса. СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони Максим Ушека (ўртада) голибли шохсўнасига. Воҳид БОЙМУРОДОВ.

ОБИДАЛАРИМИЗ ТАДҚИҚ ЭТИЛМОҚДА

Японияда чоп этиладиган «Санкей Шимбун» газетасининг сўнги сонларидан бирида мамлакат олимларининг Ўзбекистондаги тарихий обидаларга оид янги тадқиқоти тўғрисида мақола эълон қилинди.

Унда қайд этилишича, Нагасаки префектурасидаги Хасами шаҳарчасида ташкил этилган илмий кўмита азоелари Ўзбекистондаги кўчна шаҳарларнинг мейморчилик аъёнларини яқиндан ўрганишмоқда. Кўмитага Япония олимларининг етакчиларидан бири Ш. Такашима раислик қилмоқда.

Беш йил муқаддам Ш. Такашима Ўзбекистондаги тарихий биноларни қайта таъмирлаш масаласи билан

яқиндан танишиб, Нагасаки худудида оқ ва мовий ранг сопол тайёрлаш тажрибасини ўрганишга киришган. — Кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилганимиз. Олдимизда ечимини кутаётган муаммолар таллайгина, — дейди жаноб Ш. Такашима.

Беруний АЛИМОВ, «Жаҳон» АА, Япония.

БОЛАЛАР ТЕАТРИДАГИ ТОМОША

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ ҳар йили 3 декабрь — Халқаро ноғиронлар кунини сифатида бутун дунёдаги каби мамлакатимизда ҳам кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан кўнгли ўқисик, ижтимоий ёрдамга муҳтож ноғиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинади.

Пойтахтимиздаги Еш томошабинлар театрида «Гамхурингман, болажон!» деб номланган тадбир ҳам ана шу хайри санга бағишланди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган

ушбу тадбирда шаҳримизда истикомат қилаётган ноғирон болалар иштирок этди. Уларга хомий ташкилотларнинг совгалари улашилди. Театр ижодкорлари Фафур Фуломнинг «Шум бола» асарини асосида сахналаштирилган томоша болақайларда зўр қизиқиш уйғотди. (УЗА).

Мутахассис фикри

Вилоят давлат ветеринария бошқармаси вилоят худудини ўта юқумли антропозооноз касалликлардан ҳимоялаш ҳамда аҳолини сифатли ва экологик тоза қорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ҳар йили режа асосида эпизоотик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

МАЛАКАЛИ МУҲОФАЗА МАВЖУД

Вилоят 1992 йилдан бунён ҳавфли юқумли касаллик — кўйдиригдан ҳоли бўлишига қарамай, унинг олдини олиш мақсадида 360 557 бош майда мол, 19 310 бош от ва бошқа ҳайвонлар бу касалликка қарши эмланди. Шунингдек, қоракосқ, сил ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасинда ҳам кенг қўлдан кўрилди. Шунингдек, чегарадош худудлардан антропозооноз ва ўткир юқумли касалликларнинг кириб келиши ва худуддаги барча турдаги қорвачилик ҳўжаликлари ва фуқароларга қарашли моллар ўртасида тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида алғоқда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириб боришмоқда. Хусусан, вилоятнинг Қозғоистон, Тоғжонистон республикалари ва бошқа вилоятлардан кириб келишига қарши ветеринария назорати постлари ўрнатилган бўлиб, бундан кўнлаб шундан 13 таси ишлаб турибди. Ана шу ветеринария қарантин постларидан ўтувчи асирон ва пийдалар учун дестўсий ва дестўсийлар ташкил этилган.

Бошқармада вилоят худудидида энг хавфли ва юқумли касалликлардан бўлган оқсилнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида унинг олдини олиш тадбирлари, айниқса, жаддий эпитбор қаратилмоқда. Аслида вилоят худуди 1987 йилдан бунён бу касалликдан ҳоли бўлсада, қўшни республикалардаги эпизоотик вазиятни ҳисобга олган ҳолда шу йилнинг тўртинчи чорағида 570 минг 204 оқсил эмламаси келтирилиб, туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимларига тарқатилди. Бўлимлар ўн бир ой давомидида ширкат, фермер ҳўжаликлари ва фуқароларга қарашли 329 394 бош ийрик қорамол, 166 706 бош майда мол, 10 815 бош чўчка оқсилга қарши эмланганини таъминладилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирларни тез ва сифатли ўтказиш учун гуруҳлар ташкил этилиб, улар тарқоқига қўшқор фуқаролар йиғини ва маҳалла оқсоқоллари ҳамда қарантин милиция ходимлари жалб этилди. Вилоят худудидида мавжуд барча мол бозорлари, деҳқон бозорлари, қўшоналар, мол сўйиш майдонлари, гўшт дўконлари, жун ва тери цехлари, сўт завод-

лари, сўти қабул қилиш цехлари, гўшт комбинати ва совоҳоналарнинг доимий иш фаолияти худудий ветеринария назорати остига олинган.

Вилоятда бу борадаги ишлар изчил давом этади. Хусусан, шу йил 28 ноябрда республика Қўшқор ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вазир-

лининг қорвачилик бош бошқармаси, Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамда вилоят давлат ветеринария бошқармаси вакиллари Қозғоистон Республикаси Қўшқор ҳўжалик вазирлиги, Жанубий Қозғоистон вилояти ҳокимлиги вакиллари билан туман ҳўқимлари, бошқарма ва ветеринария бўлимлари бошқалари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда ҳар икки республика худудидида зооноз касалликларининг, айниқса, оқсилнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича муҳим чора-тадбирларни биргаликда олиб бориш масаласи қўриб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда катъий ишонч билан айтиш мумкинки, бу гуруҳи кўнлаб туман вилоятимиз худудидида хавфли турдаги қорва моллари ҳамда йўқумли касалликлардан ҳар томонлама малакали муҳофаза қилинмоқда. Бу эса касалликларнинг олдини олиш ишлари улғуёқ йўлга қўйилганининг самарасидир.

Муҳаммад НАРЗИЕВ, вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи.

Ҳурматли тадбиркорлар ва хусусийлаштирилган корхона аъзолари!

Сизга шуни маълум қиламизки, жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, ишга туширилди. Сиз 136-06-28 телефон рақамини териб, корхонанинг иш фаолиятига юқори ташкилотларнинг (ассоциация, вазирлик, компания, ҳокимият ва ҳ.к.ларнинг) асосиз аралашувлари тўғрисида ахборот беришингиз мумкин. Ахборот берувчи сир сақланади. «Ишонч телефони» ҳар кун (шанба, яқнаб ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

«НОДИРАБЕГИМ» ГОЛИБ

Янгийўл шаҳар марказий ўйингоҳида маҳалалараро футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Ишқибозларда 13-14 ёшдаги ўсмирларнинг чиройли ўйинлари катта таассурот қолдирди. Мусобақа якунига қўра, Нодирабегим номли маҳалла болалар футбол жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин эса, Рамадон маҳалласи ёш чарм тўп ишқибозларига насиб этди.

Ҳолибларга хомийлар — Болалар спортини ривожлантириш, «Маҳалла» хайрия жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совгалари ҳамда фахрий ёрликлари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Бектемир туманидаги «GIRGIN» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ» БИРЛАШМАСИ ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИГАН ҲЎЖАЛИКЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН 2003 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА ТЕНДЕР ЎТҚАЗИЛИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Пахта уруғчилиги билан шугулланишни истовчи барча ҳўжаликлар (фермерлар) танловда қатнашши мумкин.

Танлов шартлари:

- 1. Ҳўжалик намунаси деҳқончилик маданиятига эга бўлиши шарт.
2. Ҳўжалик бошқаруви раис, бош ҳосилот ва шу саҳа мутахассислари уруғлик пахта етиштириш бўйича етарли малакага эга бўлиши лозим.
3. Тўроқнинг унумдорлиги балл бонитети бўйича 60 баллдан кам бўлмаслиги ва ернинг мелиоратив шароити талаб даражасида бўлиши зарур.
4. Ҳўжаликда тўроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш мақсадида органик ўғитлардан фойдаланиш ва алмашлаб экиш тизими йўлга қўйилган бўлиши талаб қилинади.
5. Ҳўжаликда агротехник тадбирларнинг сифатли ва юқори унум билан бажарилишини таъминлаш учун ерлар текис бўлиши ва қарталарнинг ўртача катталиги 8-10 гектардан кам бўлмаслиги керак.
6. Ҳўжаликнинг сув билан таъминланганлик даражаси ва ернинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида бўлиши, сўғориш тармоқлари ва зовурлар кўнгилдагидек ишлаши лозим.
7. Уруғлик пахта битта далага 3 йилдан ортик экилмаслиги зарур.
8. Баҳор ойларида ҳўжалик худудидида табиий офат (сел, дўл, гармсел) йўли ўтмаган бўлиши муҳим.

- 9. Ҳар йил ҳўжаликдаги ҳойдалагидан майдоннинг комада 20-25 фоизига оралик экинлари экилиши талаб қилинади.
10. Ҳўжаликда ғўзанинг фақат битта нови экилиши шарт (янги ғўза навлари уруғини қўпайтирувчи ҳўжаликлардан ташқари).
11. Уруғлик пахта илмий асосланган агротехника асосида ва берилган тавсияларга тўла амал қилинган ҳолда парварши қилиниши шарт.
12. Ҳўжалик техника, ишчи кучи, сўғориш тармоқлари ва сув ресурслари билан етарли таъминланган ва иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши зарур.
13. Ҳўжалик кейинги 3-5 йил оралиғида пахтадан юқори ҳосилдорликка эришган бўлиши лозим.
14. Ҳўжаликда меҳнат ва ижрочилик интизоми юқори бўлиши шарт.
15. Уруғликдан тушган устома ҳақлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга асосан тақсимланганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш.
Тендер бўйича ҳужжатларни Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси 77-уй, Тошкент вилояти «Пахта уруғчилиги» бирлашмасига топширишингизни сўраймиз. Телефон: 55-50-51.

ТЕЛЕДАСТУВЛАР ДУШАНБА

Table with TV program listings for Dushanba, including channels like 'Ўзбекистон телеканали', 'Тошкент телеканали', and 'Шанба телеканали' with their respective broadcast times and program titles.

«КИЧКИНТОЙ» ОАЖ

акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши 2004 йил 5 январь кунини 12.00да Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси, 16-уйда ўтказилади. КҮН ТАРТИБИДА:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонида мувофиқ Низом жамғармасини ошириш ёки қайта ташкил қилиш ёҳуд ўзгартириш.
2. Турли хил масалалар.
Акциядорлар 11.00дан рўйхатга олинади. «Кичкинтой» ОАЖ Казутов кенгаши.

Advertisement for 'Тошкент Ҳақиқати' newspaper, including contact information for the head editor, subscription rates, and office address.